

миқдори, муддати ўтган тўловнинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сонли қарорига асосан)

3.13. Истеъмолчи ва Корхона ҳар ойда, ҳисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро ҳисоб-китобларнинг таққослаш далолатномасини тузади. Агар “истеъмолчи” солиштирма далолатномасини имзолашдан бош тортса, Энергия таъминоти корхонаси қарзни ундириш учун шартномавий ҳажмдан келиб чиққан ҳолда Истеъмолчининг банкдаги ҳисоб рақамига тулов талабномаси қуйиш йули билан, ҳамда бир томонлама расмийлаштирилган солиштирма далолатнома асосида “Бюро” томонидан мажбурий ундурувга қаратишга, шунингдек суд (судларга) ва давлат солиқ хизмати органларига тақдим этишга ҳақли.

3.14. Истеъмолчини қуйидаги ҳолларда электр тармоқларидан узилади: шартномавий мажбуриятлари бажарилмаганда; ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган энергия учун қарздорлик мавжуд бўлганда; Бюро талабномалари бажарилмаганда, шу жумладан, унинг тегишли вакилларига ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини олишга йўл қўйилмаганда; ҳисобга олиш приборларини қасддан бузганда, кўрсаткичларни ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига ташқаридан аралаштириш ҳатти-ҳаракатлар амалга оширилганда; электр энергиясидан ўғирлик тарзда фойдаланилгани, электр тармоқларига ноқонуний уланиш, талон-тарож қилиш ёки Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузишнинг бошқа ҳолатлари аниқланганда; шартнома, электр таъминоти лойиҳаси ва техник шартлар мавжуд бўлмаганда; электр таъминот лойиҳаси ва техник шартларга мос келмаганда.

3.15. Ҳисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта ҳисоб-китоб, Истеъмолчини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди. Бюро ва электр тармоқлари корхоналари томонидан истеъмолчининг ҳақиқатдаги қарздорликлари мавжуд ёки мавжуд эмаслигига аниқлик киритилган ҳолда электр тармоқларидан ажратилади.

3.16. Истеъмолчи томонидан қоидабузарлик ҳолати бартараф этилиб, мавжуд қарздорлик ва тўлов пайтидаги базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдоридан тўлов ундирилгандан сўнг тармоқга қайта уланади (ЭХНАТга уланган истеъмолчилар бундан мустасно).

3.17. Истеъмолчи электр тармоқларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алоҳида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий ҳажмидан олинадиган улушга мутаносиб равишда ҳақ тўлайди. Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига бериладиган электр энергияси тарифига қўшишга рухсат этилмайди.

3.18. Истеъмолчи электр тармоқларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алоҳида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий ҳажмидан олинадиган улушга мутаносиб равишда ҳақ тўлайди. Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига бериладиган электр энергияси тарифига қўшишга рухсат этилмайди.

3.19. Истеъмолчи томонидан истеъмол қилинган энергияси учун тўлов тарифлари қуйидаги ҳолларда аҳоли учун белгиланган тарифларга тенглаштирилади; Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида” ги ЎРҚ 327-сон Қонуннинг 28-моддасига асосан; Оилавий корхона турар жойдан бир вақтнинг ўзиде унда истиқомат қилган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда, коммунал инфратузилма хизматлари (электр энергияси, сув таъминоти, канализация, газ таъминоти ва иссиқлик таъминоти) ҳақини тўлаш аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 10 сентябрдаги 525-ф-сонли Фармойишига асосан; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Дин соҳасидаги маънавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятни янада такомиллаштиришда ижтимоий кўмак ва имтиёзлар бериш тўғрисида» 2003 йил 22 августдаги 364-сон қарорининг 3-бандини бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги диний ташкилотлар 2003